

Абу Мансур ал-Мотуридий сунний эътиқотидаги икки йирик оқимлардан бири бўлмиш Мотуридий ақолининг асосчиларидан ҳисобланади. Унинг ҳаёти ҳақида маълумотлар жуда оз. Тўлиқ номи Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ханафий ал-Мотуридий ас-Самарқандийдир. Буюк калом имоми ва фикҳ олими асли Самарқанднинг Мотурид қишлоғидан (ҳозирги Жонбой туманида жойлашган) бўлиб, унинг таҳаллуси шу қишлоққа нисбатан олингандир. Абу Мансур ал-Мотуридий дастлабки таълимни шу қишлоқда олиб, кейинчалик Мовароуннахрнинг ўша даврдаги диний ва маърифий маркази бўлган Самарқандда давом эттиради.

Ал-Мотуридий яшаган давр Сомонийлар ҳукмронлик қилган даврга тўғри келади. Самарқанд дастлаб бу давлатнинг пойтахти бўлиб, сўнгра IX асрнинг охиридан бошлаб пойтахт Бухорога кўчирилди. Бироқ ўша вақтда ҳам Самарқанд Бухоро билан бир қаторда Мовароуннахрнинг иқтисодий-маданий маркази бўлиб қолаверди. Абу Мансур ал-Мотуридий тугилган йили ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. У Самарқандда 944—945 йилда вафот этган ва шаҳар чеккасидаги Чокардиза деган қабристонга дафн этилган.

Баъни манбаларда унинг Самарқанддаги ал-Айозий мадрасасида таълим олгани қайд этилган. Ал-Мотуридий Абу Бакр Аҳмад ал-Жузжоний, Абу Наср Аҳмад ал-Ийодий, Имом Аъзам мазҳабидаги буюк олим Наср ибн Йахйо ал-Балхий, Муҳаммад ибн ал-Фадл қабиларни ўзининг устози деб билган.

Ал-Мотуридий фикҳ ва калом масалалари билан кизиқиб, Ханифия мазҳаби оқимларидан дарс олиб ўз билимини оширади. Шу вақт давомида кўплаб машҳур фақиҳлар ва муҳаддислар билан мулоқатда бўлган ва мунозаралар қилган. Бутун умри давомида шу соҳага оид асарлар ёзиб қолдиргандир. Маҳмуд ибн Сулаймон ал-Қафавийнинг (вафоти 1582 йил) «Қатоиб ул-аълум ал-ахёр фи табоқот ва машаойих мазаҳаб ан-Нуъмун» («Нуъмун мазҳабида мансуб бўлган таниқли аллома фақиҳлар ва шайхлар ҳақидаги китоб») номли китобида ал-Мотуридий ва унинг асарлари ҳақида айрим маълумотлар берилди. Масалан, қуйидаги асарлари номлари келтирилган: «Қитаби Тавҳид», «Қитаб Мақомат», «Қитаб рад авомил лил адила лил қа-бий» («Қаъбий залолатларининг бошланишини рад қилишга бағишланган китоб»), «Қитаб байон ва ҳум ул-маътазила» («Муътазила гав-голари ва ундан кўркмаслик ҳақидаги китоб баёни»), «Қитаб Таъвилот ал-қуръон» («Қуръон таъвили китоби»).

Лекин Хожи Халифанинг (1609—1659) «Қашф аз-зунун ан-асомил кутуб ва-л-фунун» («Қитоб ва фанлар номлари ҳақидаги шубҳаларни бартараф этиш китоби») китобида эътироф этилишича, яна

Абу Мансур ал-Мотуридийнинг «Ма ҳази аш-шариъа» («Шариат асослари сараси»), «Қитаб ал-жадал» («Диалектика ҳақида китоб») каби асарлари ҳам бўлган. Булардан ташқари ал-Мотуридийнинг «Қитаб ал-усул» («Диний-таълимот усули китоби») асари ҳам маълум.

Абу Мансур ал-Мотуридийнинг кўп асарлари бизгача етиб келмаган, етиб келганлари ҳам асосан хорижий мамлакатлар кутубхона ва кўлёзма фондларида сақланади.

Ал-Мотуридий ислом оламида жуда нозик ҳисобланган «Қитаб Тавҳид» — асари бизнинг давримизга етиб келган ва у 1970 йилда Фатхуллох Хулиф томонидан Байрутда нашр этилган.

У ислом динидаги суннийларнинг тўртта асосий мазхаби асосчиларининг асарларини ўрганиб, фикхга ва каломга оид асар ёзади. Бу ал-Мотуридийнинг «Таъвилот ахл ас-сунна» ёки бошка бир номи «Таъвилот ал-Куръон» деб номланади. Ал-Мотуридий бу асарида сунний ақидадаги (таъвилда) зид карашларни рад қилишга ҳаракат қилади ва Абу Ханифанинг карашларига суянган ҳолда иш қўради. Бу асар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шаркшунослик институти фондида сақланади. «Таъвилот»нинг биринчи жилди қохирада 1971 йилда Иброҳим Авадайн ва ас-Сайд Авадайнлар томонидан нашр этилган.

Ал-Мотуридийнинг бу биргина асари тарих жараёнида кўп алломалар асарларига асос солган, улар ижодига туртки бўлган.

Шулардан бири Аловуддин Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Самарқандийнинг шарҳидир. У «Шарх таъвилот ахл ас-сунна» деб номланиб, Институт фондида бу асарни иккита нусхаси сақланади.

Шу билан бирга ал-Мотуридий номи остида ёзилган бир неча сохта асарлар ҳам маълумдир. Масалан: «Фавоид» (қоидалар), бошка номи «Панднома», «Китоб ал-Усул», «Шарх ал-Фикх ал-Ақбар» асарлари шулар жумласидандир. Бу ал-Мотуридийнинг диний илмлар намояндалари орасида қанчалик машҳур бўлганлигидан далолат беради.

Ал-Мотуридий кўп шогирдлар етиштирди, улар орасида ислом оламига машҳур алломалар: Абу-л-Ҳасан ар-Рустугфаний (вафоти 961), Исҳоқ ибн Муҳаммад ас-Самарқандий ва Абду-л-Карим ал-Паздавий (вафоти 999), Абу Аҳмад ал-Ийодий каби олимлар бор эди. Шогирдлари ўз устозларининг таълимотини давом эттиришганлиги туфайли Ханафия мазхабидагилар ичида Мотуридийга оқими вужудга келган.

Абу Мансур ал-Мотуридийнинг замондошлари ҳамда ҳамфикрларидан машҳур фикх олими Абу-л-Қосим Ҳаким ас-Самарқандийни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Бу олим Самарқандда тугилиб, бутун умрини шу ерда ўтказган. Фикх ва калом соҳасида машҳур бўлган.

Абу Мансур умри давомида факихлар, муҳаддислар билан мулоқатда бўлган ва мунозарлар олиб борган. У ислом дини Ханафия мазхабини Мовароуннаҳрда тарқатиш ва ўзидан кейинги авлодларга қурсиз етказиш ишига муҳим ҳисса қўшди.

Ал-Мотуридий нафакат фикх, калом илмига оид, балки бошка фанларга оид асарлар ҳам ёзган деб айтиш мумкин. ЎзР ФАнинг Беруний номидаги Шаркшунослик институти фондида сақланаётган ал-Мотуридийнинг овчиликка оид асари бунга далил бўлади. Бу асарнинг бир қўлёзма нусхаси «Рисола жонвор дорий» («Жонворларга оид рисола») деб номланган бўлиб, унда овчи қушларни боқиш ҳақида фикр юритилади. Бу асарда овчи бургутларнинг ҳар хил зотлари, уларнинг ташқи қўринишлари, озиклантириш, овга яроқлилиги билан бир қаторда қўпайтириш, изи ва чатиштириш усуллари каби масалалар ҳақида гап боради.

Ал-Мотуридий ўз даврининг исломий илмлари соҳасида энг етук билим соҳиби ҳисобланиб, мусулмон дунёси олимлари томонидан тан олинган ва ҳозирда ҳам турли диний асарларда зўр эҳтиром билан тилга олинади.

Ал-Мотуридийни улуглаб «Имом ал-Ҳуда» ва «Имом ал-мутақаллимин» (Ҳидоят йўли имоми ва мутақаллимлар имоми) каби номлар билан ҳам атаганлар.

Мовароуннаҳр — Марказий Осиё халқлари турли фалсафий, табиий, аниқ фанлар, адабиёт, санъат соҳаларида дунёга машҳур сий -молар, алломалар билан бирга ислом назарияси, диний илмлар бўйича ал-Мотуридийдек бутун мусулмон оламида ном қозонган олим-ларни ҳам етиштириб чиқардилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 декабрда қабул қилган қарорига биноан 2000 йилда алломанинг 1130 йиллик таваллуд санаси нишонланди.

Зиётов Ш.Ю.